

## А Ж Р И М

ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида

2026 йил февраль ойининг 19 куни, жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи туман судининг раиси А.Миножиддинов, М.Исмоналиевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси - Олтиариқ туман прокурори катта ёрдамчиси Х.Рахматиллаев, судланувчи И.Мамажонов ва унинг ҳимоячиси - Фарғона вилоятидаги "Фарғона вилоятидаги "Huquqiy xizmat" адвокатлик бюроси адвокати С.Хожиев, жабрланувчи Д.Мамажонованинг иштирокида,

1992 йил 1 январда Фарғона вилояти Олтиариқ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 3 нафар фарзанди бор, судланмаган, ишламаган, Олтиариқ тумани, "Олмазор" маҳалла фуқаролар йиғини, Булоқбоши кўчаси, 127-уйда яшайди, шахсий кафиллик эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2026 йил 9 февраль куни олган, Мамажонов Илхомжон Икромжон ўғли (Мамајонов Ихомјон Икромјон о'g'li)га нисбатан-

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 126<sup>1</sup>-моддаси 3-қисми билан айблаш ҳақидаги 1-1514-2601/50-сонли жиноят ишини кўриб, қуйидагиларни:

### А Н И Қ Л А Д И:

Суриштирув органи ҳужжатларига кўра, И.Мамажонов 2025 йил 26 ноябрь куни яшаш хонадони Олтиариқ тумани, "Олмазор" маҳалла фуқаролар йиғини, Булоқбоши кўчаси, 127-уйда бир рўзғор асосида яшовчи, турмуш ўртоғи жабрланувчи-Д.Мамажорова билан оилавий низолар сабабли жанжаллашиб, Д.Мамажоновани бош соҳасига қўллари билан уриб, соғлигининг 6 кундан ортиқ, 21 кундан кўп бўлмаган қисқа муддатга ёмонлашувига сабаб бўлган шикаст етказган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2025 йил 5 декабрдаги 8652-сонли хулосасида, Д.Мамажоровада бош мия чайқалиши, бурун эгари ва ўнг кўз қовоқларини қонталашлари ҳамда ўнг кўз олмасига травматик қон қуйилиши тан жароҳатлари аниқланиб, бу тан жароҳатлари соғлигининг 6 кундан ортиқ, 21 кундан кўп бўлмаган муддатга бузилишига сабаб бўлган енгил шикастлар тоифасига кириши кўрсатилган.

Жабрланувчи Д.Мамажорова судга судланувчи И.Мамажонов билан ярашгани тўғрисида ариза тақдим қилиб, етказилган зарар тўлиқ қоплангани сабабли судланувчига ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, у билан ихтиёрий равишда ярашиб олгани, бирон-бир тазйиқ ўтказилмагани, суд ярашувни тасдиқласа, иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушунтирилгани боис иш юритишни тугатишни сўради.

Судланувчи И.Мамажонов судга ариза тақдим қилиб, айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, жабрланувчи



Д.Мамажоновга етказилган зарарларни бартараф этиб, у билан ихтиёрий равишда ярашиб олганлиги сабабли иш юритишни тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасида, ушбу Кодекс 126<sup>1</sup>-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги;

ЖПКнинг 583-моддасида, ярашув тўғрисидаги ариза жабрланувчи томонидан суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд маслаҳатхонага киришидан олдин берилиши мумкинлиги, аризада етказилган зиён бартараф этилгани, шунингдек ярашилганлиги муносабати билан жиноят иши бўйича иш юритилишини тугатиш тўғрисидаги илтимос кўрсатилган бўлиши шартлиги, ярашув тўғрисидаги ариза иш биринчи инстанция судида суд муҳокамасидан ўтказилаётганда берилган бўлса, суд уни дарҳол кўриб чиқишга киришиши кўрсатилган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг аризаларини иш ҳужжатлари билан ўрганиб чиқиб, давлат айбловчисининг жиноят ишини ярашув асосида тугатиш ҳақидаги фикрини тинглаб, судланувчи И.Мамажоновнинг айбига иқрорлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчига бирон-бир тазйиқ ўтказилмагани, судланувчининг жабрланувчи билан ихтиёрий равишда ўзаро ярашиб олганликларини инобатга олиб, жиноят ишини иш юритишдан тугатишни ҳамда жабрланувчига мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушунтирилганлигини инобатга олишни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан, суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 583, 585, 586-моддаларини қўллаб,

#### А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 126<sup>3</sup>-моддаси 3-қисми билан айбланган Мамажонов Илхомжон Икромжон ўғли (Мамајонов Ихомјон Икромјон о'ғ'ли) ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан жинойий жавобгарликдан озод қилинсин

Мамажонов Илхомжон Икромжон ўғлига нисбатан юритилган жиноят иши ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан ярашилганлиги муносабати билан иш юритишдан тугатилсин.

И.Мамажоновга нисбатан қўлланилган шахсий кафилик эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ажримдан норози тарафлар ажрим эълон қилинган, судланувчи ва жабрланувчи ажрим нусхасини олган кундан бошлаб, ўн кунлик муддатда шу суд орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида, ажрим қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шикоят ёки протест беришлари мумкин.

Раислик қилувчи

имзо

А.Минойиддинов

нусхаси аслига тўғри:

А.Минойиддинов

